

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Аниқ ва табиий фанлар**

МАТЕМАТИКА

**А.Оқбоев, Н.Муталлиев**  
Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

**И.Аскарлов, А.Хаджикулов**  
Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

**А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов**  
Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

**И.Аскарлов, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров**  
М-ферроценилбензой кислотасининг метиллолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

**М.Акбарова**  
Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева**  
Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан зарарланиши.....29

**Ижтимоий-гуманитар фанлар**

ИҚТИСОДИЁТ

**З.Таджибаев**  
Рақамли иқтисодиёт нима? .....32

ТАРИХ

**А.Азизов**  
Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини .....37

**З.Раҳманов, Р.Муродалиев**  
Фарғона вилояти ҳудудидаги мозор-кўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

**Ж.Адилов**  
Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

**Ж.Тоғаев**  
Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

**Қ.Пўлатов**  
XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафкуравий тарғибот қуроли сифатида .....61

**М.Тухтаева**  
Муслмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

**Б.Аббасов**  
Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**З.Раҳимов**  
Бадий тил ва ижодкор маҳорати.....75

УДК: 930.2+902.01

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХУДУДИДАГИ МОЗОР-ҚЎРҒОНЛАРНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

### НОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПО ИЗУЧЕНИЮ МОГИЛЬНИКОВ НА ТЕРРИТОРИИ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

#### NEW RESEARCH ON THE STUDY OF BURIAL GROUNDS IN FERGANA REGION

З.Рахманов <sup>1</sup>, Р.Муродалиев <sup>2</sup><sup>1</sup> З.Рахманов– Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Миллий археология маркази кичик илмий ходими.<sup>2</sup> Р.Муродалиев– Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Миллий археология маркази таянч докторанти

#### Аннотация

Мақолада Фарғона вилоятидаги Сўфон мазор-қўрғонида олиб борилган тадқиқот ишлари ёритилган. Бунда, узоқ вақтлар давомида илк темир даврига тааллуқли деб келинган Сўфон мазор-қўрғонида бронза даври ва милодий IV-V асрларга оид қўрғонлар ҳам мавжудлиги ҳақидаги илмий хулосалар берилган. Шунингдек, қўрғон материаллари таҳлили масаласида айрим янги фаразлар илгари суртилган.

#### Аннотация

В статье рассматриваются исследования, проведенные на Суфанском могильнике в Ферганской области. При этом представлены научные выводы о существовании курганов бронзового века и IV-V веков нашей эры на Суфанском могильнике, которые долгое время относились к раннему железному веку. Кроме этого, выдвинуты некоторые новые гипотезы относительно анализа материалов с могильника.

#### Annotation

The article discusses studies conducted at the Sufan cemetery in Ferghana region. The scientific conclusions were drawn about the existence of burial grounds of the Bronze Age and IV-V centuries of our era in the Sufan burial ground, which for a long time was considered to belong to the early Iron Age. Some new hypotheses have been put forward regarding the analysis of burial materials.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фарғона вилояти, Исфайрам-Марғилонсой воҳаси, Сўфон, қабр-қўрғон, бронза даври, Эйлатон-Оқтом маданияти, Қўғай-Қорабулоқ маданияти.

**Ключевые слова и выражения:** Ферганская область, Исфайрам-Маргилансайский оазис, Суфан, могильник, бронзовый век, эйлатано-актамская культура, кугайско-карабулакская культура.

**Keywords and expressions:** Ferghana region, Isfayram-Margilansai oasis, Sufan, burial ground, Bronze Age, Eilatano-Aktam culture, Kugai-Karabulak culture.

Фарғона водийсининг жанубий қисмида ғарбдан шарққа томон, Тожикистоннинг Конибодом ҳудудларидан Қирғизистоннинг Бозор-Қўрғон ҳудудларигача, кенглиги айрим жойларда 12-14 км, айрим жойларда 4-6 км келадиган узун йўлак кўринишида адирлар ястаниб ётибди. Ўзбекистон ҳудудида бу адирлар Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани Бўрболиқ қишлоғи ҳудудидан Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Ойим қишлоғи ҳудудларигача бўлган ерларни эгаллайди.

Айнан шу адирликлар водийда қадимги даврлардан бошлаб кўчманчи ёки маҳаллий чорвадор жамоаларнинг моддий маданиятидан дарак берувчи қабр-қўрғонларни ўзида сақлаб қолган.

Биз тадқиқот олиб борган ҳудуд эса шартли равишда айнан шу адирларнинг

марказида, ҳозирги Сўфон қишлоғидан 3 км шимоли-ғарбидаги адирлик қирғоғида жойлашган Сўфон мазор-қўрғонларидир.

Сўфон мазор-қўрғонлари Н.Г.Горбунова томонидан фанга киритилган бўлиб, 1956, 1960, 1961 йилларда олима томонидан бу ерда 24 та қўрғон очиб ўрганилган [10, 72-91]. 1982-1985 йиллар оралиғида Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходими, археолог Г.П.Иванов томонидан мазор-қўрғонда тадқиқот ишлари давом эттирилиб, яна 64 та қўрғон очилган. Ёдгорликда ўша вақтда жами 88 та қўрғон тадқиқ этилган эди. Лекин Г.П.Ивановнинг тадқиқоти бўйича илмий натижалар чоп этирилмаган. Дала тадқиқотлари ҳисоботлари ЎзР ФА Миллий археология марказининг Самарқанд археология институти архивида [14,15,16,17],

топилмалар эса Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи фондида сақланмоқда.

2019 йилнинг октябр ойида ЎзР ФА Миллий археология маркази ходимлари ҳамда Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчи ва талабалари билан биргаликда Сўфон мазор-қўрғонлари жойлашган ерда янги қўрғон очиб ўрганилди. Аввалги ўрганилган қўрғонлар 88 тани ташкил этганлиги боис, кетма-кетлик сақланиб қолиниши жиҳатидан биз тадқиқ этган ушбу қўрғон шартли равишда 89-қўрғон, деб қайд этилди.

Аслида тадқиқ этилган 89-қўрғоннинг мавжудлиги 2013 йилда Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчилари М.Ҳ.Исомиддинов ва З.О.Рахмановлар томонидан Сўфон мазор-қўрғонини текшириш чоғида аниқланган эди<sup>1</sup>. Ўша даврда мазор-қўрғоннинг дастлабки тадқиқотчиларидан бири Г.П.Ивановга мурожаат қилинганида, “у ерда битта ҳам қўрғон қолмаганлиги, уларнинг барчаси очиб ўрганилганлиги”, таъкидланган эди. Аммо мазор-қўрғонни синчиклаб ўрганиш давомида, адирликнинг жануби-ғарбий чеккасида ҳали тадқиқ этилмаган бир дона қабр борлигига дуч келинган. Лекин очик варақа ва рухсатноманинг йўқлиги тадқиқот олиб боришни тақозо этмаган эди.

Тадқиқот жараёнида Сўфон мазор-қўрғонида топилган 89-қўрғоннинг диаметридан келиб чиқиб, дастлаб 7x6 м ўлчамда қазув майдони белгиланди. У тўрт қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм алоҳида очиб ўрганилди. Қўрғоннинг диаметри 6 м, баландлиги 30-50 см келади. Унинг ўртасида 110-120 см диаметрдаги чўккан жой бор. Қабр қўрғони ўртача катталиқдаги сой тошларидан тикланган бўлиб, ўрта қисмидаги чуқур эса тупроқ ва чиринди билан

тўлдирилган. Қазил давомида ундаги устки чангсимон қатлам ва тош ўртасида 2 см қалинликда ва 40 см диаметрдаги кул қатлам мавжудлиги аниқланди.

Қўрғон юза қисмига терилган тошлар олиниб тозалангандан кейин, унинг жануб томонида йўналиши шарқ-ғарб ҳолатида бўлган, узунлиги 1,90 м катталиқда терилган тош уюми ажралиб кўринди. Ушбу тош уюми таг қисми 1-қабр бўлиб, у шартли равишда 89-1 деб белгиланди. Қабр ғарб-шарқ йўналишидаги ўра қабр бўлиб, майит унча чуқур кўмилмаган. Сақланган чуқурлиги 50-60 смни ташкил этади. Ғарбдан шарққа учта нуқтада олинган ўлчам бўйича эни – 70-65-40 см келади. Бу қабр ичига кам тупроқ ташланган кўринади, шунинг учун тошлар майит суяқларини босиб, асл ҳолатини бузиб ташлаган. Одам суяқлари жуда ёмон сақлангани учун уларни бир-биридан ажратишнинг имкони бўлмади. Фақатгина бош, қовурға, чап қўл, тос ва оёқ тизза суяги билан сақланиб қолган. Оёқ панжалари сақланмаган. Майитнинг бош қисми ғарб томонда бўлиб, юз қисми ва олд томони чапга ёнбошлашиб шимолга қаратилган.

89-1 қабрдан 90 см шимолроқда, шимол-жануб йўналишда яна бир терилган тош уюми ажралиб чиқди. Бу тош уюми 2-қабр бўлиб, у 89-2 деб белгиланди. Унинг узунлиги 2,80 м ни ташкил этиб, стратиграфик ҳолатни кузатиш мақсадида қабр-қўрғоннинг кесмаси олинганида 5 та қатлам мавжудлиги аниқланди.

Ўра қабр жанубдан шимолга томон кенгайиб борган. Сақланган чуқурлиги 100-110 см, эни шимол томондан – 80-105-70 см ни ташкил этади. Қабр ичи тош ва тупроқ аралаштириб тўлдирилган бўлиб, ости жанубдан шимолга қиялаб чуқурлашган. Тошлар орасида қизғиш шағал қатлам баландлигида, яъни қабр полидан 45-50 см баландликда, қабрнинг шимолий қирғоғидан 1 м, жанубий қирғоғидан 1,70 м, ён томонларидан тенг узокликда суяқлар аниқланди. Бу – калла суягининг бўлаклари (?) бўлиши мумкин. Худди шу баландликда юқорида айтиб ўтилган суяк қолдиқларидан 60 см шимолроқда қабрнинг икки қирғоғида диаметри 4 см ёғоч қозиқ қолдиқлари мавжудлиги аниқланди. Эҳтимол, шу ёғоч қозиқ калла суяги учун махсус қўйилгандир. Калла суягининг қолган қисмлари аниқланмади. Тошлар олиниб, шағал қатлам

<sup>1</sup> Шу ўринда Фарғона давлат университети профессори, т.ф.д. М.Ҳ. Исомиддиновга Сўфон мазор қўрғонини ўрганиш вақтида берган қимматли маслаҳатлари ва қазилмада бевосита иштирок этган ЎзР ФА Миллий археология институти докторанти С.Хўжамов, ХХР Сиан шаҳри Шимоли-ғарбий университети магистранти Н.Қамбаров ҳамда қазилма жараёнларига амалий ёрдам берган университетнинг тарих факультети талабаларидан М.Хомиджонова, М.Буриев, Т.Эргашев, И.Ахмаджонов, Р.Абдурашидов, У.Рустамов, Х.Махсудовларга муаллифлар номидан алоҳида миннатдорчилик билдираимиз.

юзасидан 60 см чуқурликдан одам суяклари чиқди. Лекин жасаднинг бош қисми топилмади. Бу ерда тана бошдан ажратилган ҳолда кўмилганлиги кузатилди. Қолган тана аъзолари тўлиқ ва 89-1 даги суяк ҳолатига нисбатан яхшироқ сақланган. Жасад ерга чўзилган ҳолатда ётқизилиб, кўл-оёқлари ёзилган.

Қабрнинг шарқий томони майитнинг чап томон тос ва оёқ суяги ёнидан қабр деворига суялган, ёнма-ён қилиб қўйилган хурмача ва кўза, улардан шимолроқда қўй суяги ҳамда темир пичоқ топилди. Шунингдек, қабр чуқурининг шимоли-ғарбий томонида ўнг елка суяги ёнига бир дона коса қўйилганлиги аниқланди.

Қабрлар ва топилмалар таҳлилини қўриб чиқадиган бўлсак, даставвал, қабрларнинг тузилишига эътибор қаратамиз. Ҳар иккала қабр ҳам овал шаклида бўлиб, бош томоннинг эни оёқ томонга нисбатан кенгроқ. Йўналиши эса бир-биридан кескин фарқ қилади. Биринчи қабр ғарб-шарқ йўналишида бўлса, иккинчи қабр шимол-жануб йўналишига эга. Н.Г.Горбунова Сўфон учун уч типдаги қабрлар хослигини таъкидлайди [10,89]. Унинг бу типологияси XX асрнинг 50-60-йиллари учун тўғри келади. 1982-85 йилларда Г.П.Иванов томонидан 60 тадан ортиқ янги кўрғоннинг очилиши Сўфондаги қабр типлари масаласини қайта кўриб чиқиш кераклигини кўрсатди [16,7].

Биринчи қабрдан ҳеч қандай буюм чиқмаганлиги учун жасаднинг жойлашувига қараб қуйидагича таҳлил қилдик. Ғарб-шарқ йўналишидаги қабрлар Сўфоннинг ўзида Н.Г.Горбунова томонидан очилган бўлиб, 7-ва 10-кўрғонлар шулар жумласидандир. Олима кўрғонлардаги қабрларнинг топилмаларига қараб, милоднинг бошларига тўғри келишини, Тошкўрғон ва Марҳамат мазор-кўрғонларидаги қабрларга яқинлигини қайд этади. Уларни тахминан милодий III асргача даврлаштириш мумкинлигини таъкидлайди [10,90]. Сўфондан 20 км жануби-ғарброқда, Марғилонсой бўйидаги Тошкўрғон мазор-кўрғони ўрганилган бўлиб, милодий аср бошларига оидлари В.И.Козенкова томонидан тадқиқ этилган. У тадқиқот олиб борган 3-кўрғондан чиққан устма-уст ҳолатдаги қабрларни изоҳлар экан, боши ғарбга йўналган жасад шимол йўналишидаги қабрнинг остига қўйилганини таъкидлайди. Шунинг асосида, ғарб

йўналишидаги қабр шимол йўналишидаги қабрга қараганда эртароқ қўйилган бўлиши кераклигини, шимол йўналишидаги қабрларнинг даврини сопол идишлар ва бошқа буюмлар асосида милодий I-II ва V-VI асрлар оралиғида бўлишини айтади [18,212-215, 222]. Сўфоннинг ўзида очиб ўрганилган кўрғонлардаги аксарият қабр эгаларининг бош йўналиши ҳам ғарбга қаратилган. Қабрлардаги топилмаларга қараб, уларнинг илк темир даврига оидлиги айtilган [10,73-84]. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки, биз аниқлаган майит бош томони ғарб томонга йўналган бўлиши билан бирга юзи ва олд қисми шимолга қаратилган ва ярим ғужанак ҳолатда. Бу ҳолат эса бронза даври учун хос бўлиши ҳам мумкин. Сўфондан 3 км шимолроқда жойлашган Қарамкўл мазор-кўрғонидан худди шундай ҳолатдаги қабр очиб ўрганилган ва бронза даври билан даврлаштирилган [4,134]. Майит устидан тош териб чиқилиши ҳам айнан шу мазор-кўрғонга хослиги тадқиқотлар умумлашмасида тасдиқланган [6,17]. Қарамкўлдан шимолда эса бронза даврига оид Арсиф мазор-кўрғонидан очиб ўрганилган 24 та кўрғоннинг 27 та қабридаги жасадлар ҳам боши ғарбга қаратиб ётқизилган [13,25]. Водил мазор-кўрғонидан қазиб ўрганилган қабрлардан ҳам 7 тасида жасад боши ғарб томонга йўналтирилиб кўмилган [3,85-93] ва бу — Г.П.Иванов томонидан Водил ёдгорлиги кўрғонлари учун таклиф қилинган 4 та типнинг учинчиси ҳисобланади [13,25]. Дашти Аштдаги Даҳана мазор-кўрғонидан [19,47-52] ғужанак ҳолатда кўмилган қабрлар ҳам топилган бўлиб, Б.А.Литвинский унинг Водил мазор-кўрғони билан яқинлигини қайд этади [20,158-169]. Аксарият мазор-кўрғонлар қабрларининг чуқурлиги ҳам биз томонимиздан тадқиқ этилган қабр чуқурлигидек, ўртача 60 см ва уларда майит устига тошлар териб чиқиб кўмилган. Умумий ҳолда, Г.П.Иванов юқоридаги бронза даври қабрларини Қайроққум маданияти ёдгорликлари сифатида қайд этган ва даврлаштирган [13,20-45]. У ғужанак ҳолда, буюмларсиз дафн этиш Чуст маданияти учун хослигини ҳам таъкидлаган [13,46]. Б.Х.Матбобоев ҳам бу ҳолатда дафн этиш Чуст маданиятига хос кўмиш одати эканлигини айтиб, аёллар чап биқини, эркаклар эса доимо ўнг биқини билан кўмилганлигини қўшимча қилади [23,15-16].

Буни, аввалроқ, Ю.А. Заднепровский Далварзинтепа ва Чуст ёдгорликларидан очган қабрлари орқали кўрсатиб берган [12,97]. Бу эса икки маданият аҳолисининг дафн маросимлари муштарак бўлганлигини билдиради. Эҳтимол, уларнинг идеологик қарашлари ҳам маълум бир эътиқод асосида шаклланган бўлиши ҳам мумкин. Сўфоннинг ўзидаги 85-кўрғон қабри 89-1 га жуда ўхшаш. Фақат майит чўзилган ҳолатда. Унда ҳам ҳеч қандай топилма йўқ. Шу сабабли у ҳақда аниқ хулоса келтирилмаган [17,24]. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бундай тарзда кўмилган қабр эгалари ўлдирилган ёки ўша давр ижтимоий муҳити билан боғлиқ ҳолат бўлиши ҳам мумкин.

Энди иккинчи қабр ҳақидаги мулоҳазаларни баён этсак. Кўрғон айнан шу қабр эгаси учун қилинганлигини моддий ашёлар фақат шу қабрдан топилиши билан ҳам асослаш мумкин. Бу қабр ҳам овал шаклида бўлиб, бош томони оёқ томонга қараганда кенгроқ. Майитнинг боши шимол томонда, чўзилган ҳолда ётқизилган. Бундай кўрғонлар дастлаб бу ерда Н.Г.Горбунова томонидан қазиб ўрганилган бўлиб, 1-ва 6-кўрғонлардаги майитнинг боши шимол йўналишида. 1-кўрғондан ҳеч қандай ашё аниқланмаган. 6-кўрғондан эса устма-уст иккита жасад аниқланган бўлиб, бири 60 см, иккинчиси 80 см чуқурликда дафн этилиб, тупроқ аралаш тошлар билан кўмилган. Қабрдан кўза, кичик хурмача, бир дона мунчоқ ва қайроқтош топилган. Олима қабрларни Тошкўрғоннинг шимол ориентациясидаги қабрлари билан бир пайтга мансублигини тахмин қилган [10,92]. 1984 йилда Г.П.Иванов томонидан Сўфонда очилган 44, 47-кўрғонлар қабрлари ҳам шимол-жануб йўналишида [16,3-4]. Айниқса, 47-кўрғон тузилиши, қабрнинг ўлчамлари ва чуқурлиги, ҳатто моддий ашёлари билан ҳам ўхшаш. Тадқиқотчи уни ҳам бошқа кўрғонлар қатори I-IV асрлар билан даврлаштирган [16,8]. Юқорида таъкидланган Тошкўрғон мазор-кўрғонидан очиб ўрганилган 2,-3,-19-ва 21-кўрғонлар қабрлари ҳам шимол-жануб йўналишида бўлиб, ўлчамлари турли хил. Қабрлардан чиққан сопол буюмлар эса бизнинг топилмаларга жуда яқин. В.И.Козенкова қабрдаги буюмларни таҳлил қилган ҳолда бу кўрғонларни Фарғона водийсидаги катакомбали ва айвонли қабрлар билан синхрон эканлигини ва II-VI

асрлар оралиғида яшаган кишиларга тегишлилигини таъкидлайди [18,220]. Н.Г.Горбунова ва Б.З.Гамбург томонидан Фарғона шаҳридан 5 км жанубдаги Оқтепа қишлоғи ҳудудидаги қидирув ишлари давомида 5 та кўрғон аниқланиб, биттаси очиб кўрилган. Кўрғонда одам суяклари шимол-жануб йўналишида сочилиб ётгани қайд этилган. У жойдан икки дона сопол кўза чиққан бўлиб, биттаси йўл-йўл ангоб бериб безатилган [18, 224-225]. Тадқиқотчи бу кўрғонни ҳам II-VI асрлар оралиғида даврлаштирган.

1974-1975 йилларда Н.Г.Горбунова томонидан Фарғона вилоятининг жануби-ғарбида Рапқонмозор, Тағоб, Янгиқўрғон, Жонобод мазор-кўрғонлари топилиб, қазимша ишлари олиб борилган. Ёдгорликлардаги барча очиб ўрганилган кўрғонлардаги қабрлар унча чуқур бўлмаган ўра қабрлардир. Уларда битта, иккита, баъзан бешта ва ундан кўпроқ жасад дафн этилган. Қабрлар эгалари аксариятининг боши шимол томонга қаратилган. Турли хил топилмалар бўлиб, сопол идишлар салмоғи кўпроқ. Улар орасида нақшлилари билан бирга йўл-йўл ангоб берилганлари ҳам учрайди [9, 90-109].

Қабрлар жойлашуви ва типлари Фарғона водийсининг милодий аср бошлари учун турли-туманлиги масалани бу томондан ўрганишда мушкуллик туғдириши ва аниқ мулоҳаза юритишга имкон бермаслигини инобатга олиб, бевосита топилмаларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Н.Г.Горбунованинг “Эрамининг дастлабки асрларида Фарғона сополлари” мақоласида келтирилган аналогик жадвалларга мувофиқ ҳолда биз аниқлаган коса 1в<sup>2</sup> типга тўғри келади [5,117-118]. Ярим айлана кўринишидаги идишлар Сўфондаги 47 ва бошқа қабрларда аниқланган [16,3-4], шунингдек, деҳқон жамоалари манзилгоҳлари бўлган Каркидон ва Симтепа манзилгоҳининг III қурилиш давридан кўплаб топилган. Умуман, 1в типдаги идиш аналогиялари Симтепа 2 (1в<sup>1</sup>), Арктепа (1в<sup>4</sup>), Каркидон гуруҳи ёдгорликлари (1в<sup>2,4</sup>), Куюк I, Оролтепа ва Мунчоқтепадан топилган. Б.А.Литвинский томонидан таклиф қилинган типологияга кўра эса 15 типдаги а ва б вариантларга мос келади. Бундай идишлар Исфара ҳудудидаги Чорку мазор-кўрғонидан ва Ашт ҳудудидан топилган [21. Табл. 9. Рис.

11, 13; Табл. 10. Рис. 4]. Даври милодий II-V асрлар билан белгиланган.

Дастасиз кўза Н.Горбунова томонидан ишлаб чиқилган жадвалнинг 3в аналогиясига мос келади [5,117-118]. Бу типдаги кўзалар Каркидон (37 нусха), Каламуштепа (2 нусха), Симтепа 2 (2 нусха) ва 3 (1 нусха) дан чиққанлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, бу ёдгорликлар эгалари Исфайрам-Марғилонсой ҳавзаси бўйлаб тарқалган ва шу ҳудудларда ўтроқ деҳқончилик ва ярим кўчманчилик қилиб яшаган бўлиши мумкин. Н.Г.Горбунова мазкур типдаги кўзалар айнан шу микровоҳа учун хос бўлиши мумкинлигини ҳам айтади [1,111].

Хурмача 2г<sup>1</sup> қатордаги айлана шаклдаги ва манжитсимон лабли идишга мос келади [5,122]. Лекин топилманинг тасмасимон ангоб берилганлигига эътибор берсак, ушбу жадвалга 2г<sup>11</sup> тарзида қўшимча сифатида киритишимиз мумкин. Бу хилдаги идишлар Каркидон, Каламуштепа ва Симтепа 2, 3 лардан топилган. Бу ёдгорликларнинг Сўфон мазорига яқин ҳудудда жойлашганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, ёдгорликлар аҳолиси ўзаро яқин қўшничилик алоқасида яшаганлар. Каркидон гуруҳи ёдгорликларидаги аналогиялар топилган қатламлар муаллиф томонидан II-III асрлар билан даврлаштирилган [8,45-70]. Симтепа 2 ва 3 га яқдил аниқ давр берилмаган [11,92-104]. Топилмаларни таққослаган ҳолда айтиш мумкинки, Симтепа 2, 3 ҳам милодий II-IV асрлар оралиғида мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Эски Ахси материалларини Симтепа топилмалари билан таққослаган ҳолда А.А.Анорбоев Симтепа 2, 3 қатламларини милодий I-III асрлар билан даврлаштиришни таклиф этади [2,405]. Бунга ўхшаш хурмача Исфара ҳудудидаги Чорку II қабр-қўрғонидан аниқланган. Лекин кўриниши ва ҳажми жиҳатидан фарқ қилади. Б.А. Литвинскийнинг 20-22 типларига айнан хурмачалар киради [21. Табл. 31. Рис. 17].

Милоддан аввалги II-I асрлардан бошлаб, водийнинг атрофдаги қўшни ҳудудлар билан кенг кўламдаги сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатларга киришиши [24,288], кўплаб янги кўчманчи халқларнинг кириб келишига сабаб бўлган. Милоднинг бошларида эса бу жараёнлар янада кучайиб борганга ўхшайди. Бунга мисол, қабр-қўрғонлар, уларнинг тузилиши ва типологиясидаги хилма-хилликда яққол

кўринадиган [7,84-99]. Бу даврдаги Фарғона водийси сопол идишларини яшаш ва юзасига ишлов бериш техникаси ҳам тез суръатларда ўзгариб боради. Дастлаб, юқори сифатли ангоб бериш техникаси шаклланиб, кейинчалик унинг устига тирнаб нақш чизиш кучаяди [5,114-146]. Сўнгра идишларга қисқа, узун-юлуқ ангоб суртиш билан бирга, горизонтал йўл-йўл (тасмасимон) тарзда ангоб суртиш ва идишни ангоб билан юпка бўйлаб ҳам шаклланади.

Фарғона водийсида милодий II асрнинг иккинчи ярми – III аср бошларида йўл-йўл ангоб берилган кўзаларнинг пайдо бўлиши Қовунчи маданияти таъсирининг илк босқичи бўлиши мумкин [2,393]. Бундай ангоб бериш техникаси Қўғай-Қорабулоқ (Ворух-Қорабулоқ) [21. Табл. 1, 20, 23] маданиятининг ўрта ва сўнги босқичларига оид мажмуаларда кенг тарқалади (II-VI асрлар) [1,166].

Темир буюмларга келадиган бўлсак, ошхона анжомлари саналадиган пичоқлар Водил яқинидаги Кўктош мазоридан 12 дона (узунлиги 11-15 см, эни 1,5-2 см), Хонқиздан 3 дона (2 таси 5-7 см, 1 таси 12 см), Боркорбаз мазор-қўрғонидан 10 га яқин (ўртача узунлиги 15 см) топилган ва улар I-V асрлар билан даврлаштирилган [1,140-162]. Бу борада Б.А.Литвинский томонидан илгари сурилган типологияга кўра, топилмамиз I гуруҳнинг 1-типига мос келади ва бундай пичоқлар Ғарбий Фарғонадаги Ворух, Қалантархона, Усто Мулло, Чорку I-II, Сурх II, Хазинахона, Ашт, Қорабоғ каби мазор-қўрғонлардан топилган [22,19]. Олим бу типдаги пичоқларни I минг йилликнинг биринчи ярмида кенг қўлланилганлигини қайд этган [22, 25].

Камар тўқаси Н.Г.Горбунова томонидан келтирилган жадвалга кўра, Сўфон, Хонқиз I-II, Қайрағоч, Дашти Бодомак, Гўрмирон, Қорабулоқ, Сурх II, Ворух дараси, Жангоил каби мазор-қўрғонларда аниқланган. Бу топилмаларнинг барчаси муаллиф томонидан Қўғай-Қорабулоқ маданиятининг ўрта ва сўнги босқичлари, тахминан II-V асрлар оралиғи билан даврлаштирилган [1,94-97].

Хулоса қилиб айтганда, Сўфон мазор-қўрғонларининг дастлабки ўрганилиши бошланган вақтдан буён мана 70 йил вақт ўтган бўлса-да, қадимги аҳоли қабристонининг юртимиз, жумладан, Фарғона

водийси тарихи ва археологиясидаги илмий аҳамияти ҳозирга қадар ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Турли вақтлар оралиғида ўрганилган бўлса-да, Сўфон мазор-қўрғонлари тўғрисида фақатгина 1969 йилда биргина йирик мақола чоп этилганлигини қайд этиш мумкин ва шу ўринда кейинги 1982, 1985 йиллардаги тадқиқотлар эса нашр этилмаганлигини изоҳлаш қийин. Шу жиҳатдан мустақилликка эришилгандан кейин Фарғона вилояти Сўфон МФЙ ҳудудидаги бу қабр-қўрғонлар илк бор қайта тадқиқот объектига айланди.

Сақланиб қолган бир дона 89-қабр-қўрғондан ҳам водий тарихи учун анча кенг ва янги маълумотлар олинди ва хулосалар чиқарилди. Жумладан, қабр-қўрғонда иккита қабр очилган бўлса-да, у 2-қабр учун тикланганлиги маълум бўлди. У дафн маросимининг ажралмас қисми бўлиб, қўрғон ўртасидаги кул қолдиғи кўмиш ишлари яқунлангандан сўнг олов ёқиблиб, марҳумни сўнгги манзилга кузатишдаги якуний босқич бўлганлиги аниқланди. Юқорида эслатилган биринчи қабр тасодифий топилма ҳисобланиб, иккинчисига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, таҳлил этилган адабиётлар ва ҳисоботларга кўра эса уни сўнгги бронза ёки илк темир даври билан даврлаштириш

мумкин. Шундай бўлса-да, бу борада берилаётган ушбу фикрлар дастлабки мулоҳазалар эканлигини айтишимиз мумкин.

Ўрганилган иккинчи қабр даврига келсак, у милодий IV-V асрларга тааллуқли бўлиб, ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган аҳолига тегишли, деган хулосага келинмоқда. Қабрдан чиққан барча сопол идишларнинг кулолчилик чарҳида ясалганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бунда кўп йиллар давомида водийдаги кўчманчи чорвадор ҳамда ўтроқ деҳқонлар маконлари ва қабрларини ўрганган Н.Г.Горбунованинг куйидаги фикрларини асос сифатида келтиришни жоиз деб топдик: “Адирлардаги қабристонларда якка кўмилган анжоми камбағал оддий саёз қабрлар деҳқон жамоаларига тегишли бўлиши керак. Фарғона водийсидаги қолган кўринишдаги (типдаги) барча қабрлар эса кўчманчи-чорвадор халқларга тегишли” [1,180]. Водийдаги адирлар дастлабки даврда чорвадорлар томонидан ўзлаштирилиб, бу ҳудудлардаги яйловлардан фойдаланиб келинган. Аҳоли нуфузининг ортиши ва деҳқон жамоалари билан яқин муносабатлар таъсирида адир ҳудудлари ҳам зироатчилик мақсадларида ўзлаштирила бошланган, дейиш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Gorbunova N.G. The culture of ancient Fergana (VI century B.C. – VI century A.D.). – BAR, 1986.
2. Анарбаев А.А. Ахсикет – столица древней Ферганы. – Т.: Tafakkur, 2013.
3. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Могильник эпохи бронзы в Ферганской долине (Предварительное сообщение) // КСИИМК. Вып. 63. – М.: Из-дат. АН СССР, 1956.
4. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины // СА. №3. – М.: Из-дат АН СССР, 1957.
5. Горбунова Н.Г. Керамика поселений Ферганы первых веков нашей эры // ТГЭ. Т. 20. – Л.: Искусство, 1979.
6. Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы Ферганы // АСГЭ. Вып. 32. – Санкт-Петербург. Гос. Эрмитаж, 1995.
7. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I тысячелетия нашей эры. // АСГЭ. № 22. – Л.: Искусство, 1981.
8. Горбунова Н.Г. Памятники Каркидонской группы в Южной Фергане // АСГЭ. № 26. – Л.: Искусство, 1985.
9. Горбунова Н.Г. Погребальные каменные постройки юго-западной Ферганы // АСГЭ. Вып. 33. – Санкт-Петербург. Гос. Эрмитаж, 1998.
10. Горбунова Н.Г. Суфанский могильник // АСГЭ. Вып. 11. – Л.: Из-дат. Советский художник, 1969. л.
11. Горбунова Н.Г., Козенкова В.И. Сым-тепе – поселение в Фергане // АСГЭ. №16. – Л.: Аврора, 1974.
12. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. № 118. – М., – Л.: Издат. АН СССР, 1962.
13. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация) // Диссертация на соиск. кан. ист. наук. – Самарканд. 1999.
14. Иванов Г.П. Отчет об археологических работах Ферганского областного музея в 1982 г. / Архив Инс. археологических исследований АН РУз. Ф-8. О-01. Д-93. 1982.
15. Иванов Г.П. Отчет об археологических работах Ферганского областного музея в 1983 г. / Архив Инс. археологических исследований АН РУз. Ф-8. О-1. Д-98. 1983.
16. Иванов Г.П. Отчет об археологических работах Ферганского областного музея в 1984 г. / Архив Инс. археологических исследований АН РУз. Ф-8. О-1. Д-100. 1984.
17. Иванов Г.П. Отчет об археологических работах Ферганского областного музея в 1985 г. / Архив Инс. археологических исследований АН РУз. Ф-8. О-1. Д-109. 1985.

ТАРИХ

18. Козенкова В.И. Погребальные памятники Ферганы первых веков нашей эры // СА. №1. – М., Наука, 1966.
19. Литвинский Б.А. Даханинский могильник эпохи бронзы в Западной Фергане // КСИИМК. Вып. 80. – М.: Издат АН СССР, 1960.
20. Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов В.А. Древности Кайрак-кумов. – Душанбе., 1962.
21. Литвинский Б.А. Керамика из могильников Западный Ферганы. – Душанбе. Наука, 1973.
22. Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западный Ферганы. – Душанбе: Наука, 1978.
23. Матбобоев Б.Х. Локальные варианты чувской культуры Ферганы // Автореф. дисс. на соис. учен. степ. канд. наук. – Л., 1985.
24. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона: Фарғона, 2013.

*(Тақризчи: М.Исомиддинов - тарих фанлари доктори, профессор).*